

### Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 3-iyundagi "Yong'oq ishlab chiqaruvchilar va eksport qiluvchilar uyushmasini tuzish va uning faoliyatini tashkil etish to'g'risida" PQ-3025-sonli qarori. Manba: <https://lex.uz> sayti.
2. Abdug'aniyev A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. – T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi. 2004, 26-bet.
3. Rajabov I. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida agrosurslar bozori muvozanati va ishlab chiqarishning samaradorligi. Iqtisod fanlari doktori dissertatsiyasi. – T., 2006-y. 11-bet.
4. Xusanov R.A., Dadaboyev T.Y., Dadaboyev D.Y. Agrosanoat kompleksi iqtisodiyoti. – T.: O'zbekiston, 2003. – 470 b.
5. Shermatov O.A. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida paxtachilikni rivojlantirish va iqtisodiy samaradorligini oshirish yo'llari. Iqt. fan. nom. Dis. – T.: 2006. 10-11-b.
6. Farhod A., & Humoyun A. O 'zbekistonning yong'oq ishlab chiqarish salohiyati va istiqbollari: Samarqand viloyati kesimida. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 2022, 764-769.
7. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2>
8. *Livelihood implications of in situ-on farm conservation strategies of fruit species in Uzbekistan*. Gotor, Elisabetta, et al. 2278, s.l.: Springer, 2018 y., *Agroforestry Systems*, Vol. 92, pp. 1253-1266.
9. Ahrorov F., Sangirova U., Avezov H. Yong'oqni ichki va tashqi bozorda samarali sotish tizimini (zamonaviy marketing usullarini) tashkil etish orqali aholi daromadini oshirishning obyektiv zaruriyatini asoslash. *Agro Ilm*, 2022. 118-122-b. [http://qxjurnal.uz/ld/5/500\\_2022.pdf](http://qxjurnal.uz/ld/5/500_2022.pdf)
10. Ahrorov F., Sangirova U., Avezov H. Hindistonning Jammu va Kashmir shtatlarida yong'oqning modernizatsiya qilingan qiymat zanjiri tajribasi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2022, 7/2, 65-69.



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a71](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a71)

### РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Халматов Турғунбой Қўчқарович -**  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти  
мустақил изланувчи

**Аннотация.** Илмий мақолада мамлакатимизда энгил саноатнинг иқтисодий ва стратегик режалаштириш, ривожланган мамлакатларда энгил саноат иқтисодиётнинг хомашё тармоғи, бу соҳа кўплаб мамлакатларда давлат бюджетининг салмоқли қисмини ташкил этиб келаётгани, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда энгил саноат соҳасининг ривожланишида жаҳон тажрибаси таҳлили кенг ёритиб берилган.

**Таянч иборалар:** иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, энгил саноат, энгил саноат иқтисодиёти, аҳоли бандлиги, энгил саноат тармоқлари, тўқимачилик саноати, кийим-кечак саноати, хомашё ишлаб чиқариш, энгил саноат маҳсулотлари.

### АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ РАЗВИТЫХ СТРАН

**Халматов Турғунбой Қўчқарович -**  
Андижанский институт сельского хозяйства и  
агротехнологий независимый исследователь

**Аннотация.** В научной статье рассмотрено экономическое и стратегическое планирование легкой промышленности в нашей стране, сырьевая сеть экономики легкой промышленности развитых стран, то, что эта отрасль составляет значительную часть государственного бюджета во многих странах, ее социально-экономическое значение, обеспечение занятости трудоспособного населения, анализ мирового опыта развития отрасли легкой промышленности.

**Ключевые слова:** экономика, национальная экономика, легкая промышленность, экономика легкой промышленности, занятость населения, отрасли легкой промышленности, текстильная промышленность, швейная промышленность, производство сырья, продукция легкой промышленности.

### ANALYSIS OF THE STATE OF LIGHT INDUSTRY ENTERPRISES IN THE NATIONAL ECONOMY OF DEVELOPED COUNTRIES

**Xalmatov Turgunboy Kochqarovich -**  
Andijan Institute of Agriculture economy and agricultural  
technologies independent researcher

**Abstract:** The scientific article considers the economic and strategic planning of light industry in our country, the raw material network of the economy of light industry in developed countries, the fact that this industry makes up a significant part of the state budget in many countries, its socio-economic importance, employment of the working population, analysis of world experience development of the light industry.

**Keywords:** economy, national economy, light industry, light industry economy, employment of the population, light industry, textile industry, clothing industry, production of raw materials, light industry products.

**Кириш.** Бугунги кунда энгил саноат жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, ҳар бир мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини таъминлаш билан бирга бюджет маблағларининг жиддий манбаи ҳамда салмоқли экспорт салоҳиятига эга бўлганлиги боис, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Энгил саноат маҳсулотлари инсон фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади ва истеъмол қилиш бўйича озиқ-овқат маҳсулотларидан кейин иккинчи ўринда туради. Шу боисдан, энгил саноат маҳсулотларига талабнинг доимий ўсиши туфайли саноатнинг ушбу тармоғида доимий ўсиш хусусияти мавжуд.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак. Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда”[1]–деб таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, энгил саноатнинг ҳолати мамлакатнинг иқтисодий ва стратегик хавфсизлигига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда энгил саноат иқтисодиётнинг хомашё тармоғига, ривожланаётган мамлакатларда эса устувор соҳага айланиб бормоқда. Бу соҳа кўплаб мамлакатларда давлат бюджетининг салмоқли қисмини ташкил этиб, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти унинг меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, кишилар саломатлиги ва турмуш даражасини ошириш ҳамда ижтимоий кескинликни пасайтириши билан белгиланади.

**Адабиётлар шахри.** Абдугаффаров А., Мардиев Н., Сиддиқов З. Молиявий жараёнларни баҳолаш моделлари ва амалий масалаларни ёчиш усулларига бағишланган бўлиб, молиявий жараёнларини таҳлил қилишнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий жараёнларини аҳолини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига баҳолаш моделлари орқали аниқ баҳо бериш, маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналишда ишлатиладиганини баҳолаш моделлари орқали аниқлаш, молиявий жараёнлар қандай амалга ошириладиганини баҳолаш методлари орқали аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо беришни аниқлаган. Шунингдек, ривожланган давлатлар миллий иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни, энгил саноатнинг иқтисодий ва стра-

тегик режалаштириш, энгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва тавсияларни асослаб берган[3].

Щиборщ К.В. Ўзининг саноат корхоналарини интеграциялашган бошқарув тизимларини такомиллаштириш йўналишида, аввало, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш ҳамда шу орқали фойданинг ошишини, инвестициялардан олинган самарани таъминлаш ва компаниялар рақобат мавқеини кучайтириш зарурати билан боғлиқ бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг нисбатан барқарорлашуви шароитида ишлаб чиқаришини бошқариш ва уни такомиллаштириш даражаси билан белгиланиши кўрсатиб берган[4].

Ленько О.В., Саноат корхонасини бошқариш учун ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича бир қаптор таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида корхоналарни бошқариш – тизимли дастурий таъминот ва компьютер ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш асосида бошқариш вазибаларини ҳал этиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва ахборотни муҳофаза қилиш, билим усуллари ва воситалари мажмуини ташкил этишдан иборатдир. Бошқарувда ахборот технологиялари автоматлаштирилган тарзда тез-тез ишлатилади, яъни техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда бошқариш технологияларини амалга оширишни кўзда тутди [6].

Дедов О.А. Саноат корхоналар бошқарув тизимини шакллантириш умумий ҳолда бошқарув усуллари тизимларини яратиш орқали амалга оширилади. Зарурий натижага эришиш мақсадида ташкилий тизим фаолиятини амалга ошириш саноат бошқарув тизимини ушбу тизимга таъсир этиши орқали бажарилиши ҳамда саноат корхонасининг иқтисодий мослашувини бошқариш усуллари бўйича ёндашувларини кўрсатиб берган[7].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усуллари билан фойдаланган ҳолда энгил саноатнинг иқтисодий ва стратегик режалаштириш, энгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал

ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрланди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Енгил саноат маҳсулотларининг асосий жаҳон ишлаб чиқарувчилари Хитой ва Ҳиндистон каби давлатлардир. Дунё пахта ишлаб чиқаришининг 40 %, калаванинг 64 %, тўқимачиликнинг 41 %, кийим-кечакнинг 50 % Хитой ҳиссасига тўғри келади. Ҳиндистоннинг енгил саноати мамлакатдаги иккинчи йирик иш берувчи бўлиб, 45 миллион киши ишлайди. Жаҳон ялпи ички маҳсулотида енгил саноатнинг улуши қарийб 3%ни ташкил этса, йирик ишлаб чиқарувчи мамлакатларда бу кўрсаткич 10%дан ошмоқда.

Енгил саноатнинг энг йирик тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноати дунёдаги энг қадимги ва энг муҳим тармоқлардан биридир. Глобал тўқимачилик саноатининг 2021 йилдаги қиймати 1,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этди ва бутун дунё бўйлаб 60 миллиондан ортиқ одамни иш билан таъминлаб келмоқда.

Тадқиқотларга кўра, енгил саноат анча мураккаб тармоқ структурасига эга бўлиб, бунини куйидагича изоҳлаш мумкин (1-расм):


- хомашё ишлаб чиқариш: пахта, мўйна ва ипак каби хомашёни ишлаб чиқариш, терини қайта ишлаш ва бошқалар;
- ярим маҳсулот саноати: йигириш, тўқимачилик, бўяш, тери, мўйна ва бошқалар;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш: тикувчилик, трикотаж, гилам, галантерия, пойабзал ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатлар маҳсулотнинг барча турларини ишлаб чиқар чиқариши мум-

кин бўлсада, мода ва замонавий маҳсулотларга, шунингдек, қимматбаҳо хом ашёлардан маҳсулот ишлаб чиқаришга устунлик берилади. Бугунги кунга қадар Франция ва Италия каби Европа давлатлари тренд соловчилар бўлган бўлса, оммавий истеъмол маҳсулотлари асосан Осиё давлатлари, хусусан, Хитой ва Ҳиндистон томонидан ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун бешта ҳудуд: Жанубий ва Шарқий Осиё, АҚШ, МДҲ давлатлари ва хорижий Европа давлатлари ташкил этилган.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида умуман тўқимачилик саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бугунги кунда жаҳон тўқимачилик саноатида бешта асосий минтақа ривожланган: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДҲ, Хорижий Европа ва АҚШ. Осиё бугунги кунда газламалар умумий ҳажмининг қарийб 70 % ни, пахта ва мўйна газламалар ишлаб чиқаришнинг ярмидан кўпроғини таъминлайдиган дунёдаги тўқимачилик саноатининг асосий минтақасига айланди.

Узоқ вақт давомида жаҳон тўқимачилик саноатининг асосий тармоғи пахта, ундан кейин мўйна, зиғир ва сунъий толаларни қайта ишлаш бўлган. Ҳозирги вақтда жаҳон газлама ишлаб чиқаришда кимёвий толалар салмоғи сезиларли даражада ошди, пахта, мўйна ва айниқса зиғирнинг улуши эса камайди. Табиий ва кимёвий толалардан аралаш матолар, трикотаж (трикотаж мато) яратиш катта аҳамиятга эга эди. Ривожланган мамлакатларнинг тўқимачилик саноатида кимёвий толалар салмоғи айниқса ортди.




**1-расм. Енгил саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш омили**

*Манба:* муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида пахта, мўйна, табиий ипак тўқимачилик хом ашёсининг асосий турлари бўлиб қолмоқда, гарчи охириги пайтларда кимёвий толалардан тайёрланган маҳсулотлар салмоғи сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда тўқимачилик саноатининг таркиби қуйидагича: пахта – 67 %, кимёвий толалар ишлаб чиқариш – 20 %, мўйна – 10 %, зиғир – 1,6 %, бошқалар – 1,4 %.

Пахта матоларининг асосий ишлаб чиқарувчилари Хитой (жаҳон ишлаб чиқаришининг 30 %), Ҳиндистон (10 %), АҚШ, Ўзбекистон, Россия, Бразилия, Италия, Япония, Тайван, Германия, Франция каби давлатлар бўлиб, экспорт ҳажми бўйича ҳам 2021 йилда Хитой (1,8 миллион тонна) пахта тўқув матоларининг асосий етакчилардан бўлиб, умумий экспортнинг 49 фоизини ташкил этди. Умумий экспорт ҳажми бўйича Ҳиндистон (496 минг тонна) 14 % улуш билан иккинчи ўринда, Покистон (10%). Туркия (131 минг тонна), Мексика (78 минг тонна) ва Америка Қўшма Штатлари (74 минг тонна) умумий экспортнинг кичик улушига эга. 2012 йилдан 2021 йилгача Хитойдан пахта матолари экспорти бўйича ўртача йиллик ўсиш суръатлари +4,7 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, Мексика (+25,8 %), Ҳиндистон (+15,3 %), Покистон (+5,3 %) ва Туркия (+2,6 %) ижобий ўсиш суръатларини кўрсатди[13].

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилда Бангладеш (629 минг тонна) пахтадан тўқилган матоларнинг энг йирик импортчиси бўлиб, умумий импортнинг 22 %ни амалга оширди. Жами импорт бўйича иккинчи ўринда АҚШ (168 минг тонна) 5,9 % улуш билан, иккинчи ўринда Вьетнам (4,5 %). Мексика (109 минг тонна), Италия (80 минг тонна), Камбоджа (80 минг тонна), Туркия (79 минг тонна), Индонезия (79 минг тонна), Жанубий Корея (69 минг тонна), Колумбия (67 минг тонна), Шри-Ланка (67 минг тонна), Хитой (60 минг тонна) ва Гонконг САР (55 минг тонна) умумий импортнинг озгина қисмини эгаллади. Бангладешга импорт 2012 йилдан 2021 йилгача ўртача йиллик суръатда +9,3% га ошди. Шу билан бирга, Камбоджа (+16,8 %), Колумбия (+11,5 %), Шри-Ланка (+4,9 %), АҚШ (+) 4,7 %, Жанубий Корея (+3,7 %), Италия (+3,1 %) ва Мексикада (+2,2 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Бундан ташқари, Камбоджа 2012-2021 йилларда +16,8 % кўрсаткич билан дунёда импорт қилинадиган энг тез ўсаётган импортер сифатида пайдо бўлди. Аксинча, Туркия (-1,1 %), Хитой (-1,6 %), Вьетнам (-1,6 %), Индонезия (-2,8 %) ва Гонконг (-14,3 %) худди шу даврда пасайиш тенденциясини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Пахтадан тўқилган матоларни энг йирик импорт қилувчи давлатлар

Манба: <https://www.indexbox.io> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Дунёнинг ривожланган давлатлари (айниқса, АҚШ, Италия, Япония, Германия, Франция) пахта ва мўйнали газламалар ишлаб чиқаришда ўз улушини камайтирган ҳолда, трикотаж, кимёвий толалардан (синтетик ва аралаш) газламалар ишлаб чиқарувчи йирик ишлаб чиқарувчилар бўлиб қолмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда (Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Тайван ва бошқалар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига тўқимачилик саноатининг ушбу турларида уларнинг роли доимий равишда пасайиб бормоқда.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, энг қиммат ипак матоларни ишлаб чиқаришда Осиё давлатларининг улуши жуда катта, аниқса Хитой, Ҳиндистон ва Ўзбекистон. Жаҳон ипакчилиқ саноатида 2021 йилда 16,9 млрд. АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш 2016 йилга нисбатан 7,8 %га ошганини кўришимиз мумкин. Бунда,

Хитой (403,0 минг тонна), Ҳиндистон (161,1 минг тонна), Ўзбекистон (17,9 минг тонна) ва Эрон (13,2 минг тонна) каби давлатларнинг улуши катта (1-жадвал).

Зиғир матолари ишлаб чиқариш сезиларли даражада камайди. Улар фақат Россияда ва Ғарбий Европада (Франция, Бельгия, Нидерландия, Буюк Британияда) кўп миқдорда ишлаб чиқарилади.

Тўқимачилик саноатида бўлгани каби, кийим-кечак саноатида ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг ахамияти катта. Уларнинг аксарияти, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Тайван, Колумбия каби давлатлар тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи давлатларга айланди. Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ, Франция, Италия ва бошқалар) борган сари ихтисослашган мода, элита, индивидуал маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Енгил саноат тармоқлари орасида пойабзал саноати ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга кўпроқ ўтмоқда. Пойабзал ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва бошқа Осиё давлатлари — Корея Республикаси, Тайван, Япония, Индонезия, Вьетнам, Таиланд ишлаб чиқариш бўйича Италия ва АҚШни ортди қолдирди ва дунё пойабзалининг 40 %дан ортинини таъминламоқда Ривожланган мамлакатларда (Италия, АҚШ, Австрия, Германия) асосан қимматбаҳо хомашёдан, ишлаб чиқаришнинг юқори меҳнат зичлиги билан чарм пойабзал ишлаб чиқариш сақланиб қолган. Италия бундай пойабзалларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ва экспортчиси ҳисобланади. Сўнгги йилларда Россияда пойабзал ишлаб чиқариш бир неча марта камайди ва мамлакат дунёдаги энг йирик пойабзал ишлаб чиқарувчисидан (1990 йилда Хитойдан кейин иккинчи) муҳим пойабзал импортчисига айланди.

**1-жадвал**

**Ипак хомашёсини ишлаб чиқарувчи мамлакатлар**

| №   | Мамлакат            | Ишлаб чиқариш (тонна) | Одам бошига ишлаб чиқариш (кг) |
|-----|---------------------|-----------------------|--------------------------------|
| 1.  | Хитой               | 403 021               | 0,289                          |
| 2.  | Ҳиндистон           | 161 127               | 0,121                          |
| 3.  | Ўзбекистон          | 17 912                | 0,549                          |
| 4.  | Эрон                | 13 244                | 0,162                          |
| 5.  | Тайланд             | 4 286                 | 0,062                          |
| 6.  | Бразилия            | 3 054                 | 0,015                          |
| 7.  | Вьетнам             | 2 511                 | 0,027                          |
| 8.  | Руминия             | 1 150                 | 0,059                          |
| 9.  | Шимолий Корея       | 905                   | 0,035                          |
| 10. | Афғонистон          | 679                   | 0,022                          |
| 11. | Озарбайжон          | 514                   | 0,052                          |
| 12. | Камбоджа            | 158                   | 0,01                           |
| 13. | Миср                | 119                   | 0,001                          |
| 14. | Қирғиз Республикаси | 112                   | 0,018                          |
| 15. | Япония              | 110                   | 0,001                          |
| 16. | Испания             | 79                    | 0,002                          |
| 17. | Туркия              | 71                    | 0,001                          |
| 18. | Болгария            | 71                    | 0,01                           |
| 19. | Италия              | 62                    | 0,001                          |
| 20. | Мадагаскар          | 49                    | 0,002                          |

*Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.*

Тадқиқотлармиз кўрсатмоқдаки, 2021 йилда жаҳон пойабзал саноатида 13 млрд. жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган бўлиб, Хитой энг йирик пойабзал ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. 2-жадвалда 2016-2021 йилларда пойабзал ишлаб чиқариш саноатидаги энг йирик ишлаб чиқарувчилар мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, унда Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам ва Индонезия давлатлари пойабзал ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда. 2020 йилда Covid-19 пандемияси туфайли ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетиши, дунё бўйлаб экспорт қилинган пойабзал ҳажмига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

2020 йилда (-19,2 %) Covid-19 кескин пасайиб кетган, дунё бўйлаб экспорт қилинган пойабзал ҳажми 2021 йилда (+7,4 %) қисман тикланиб, экспорт дунё бўйлаб ишлаб чиқарилган пойабзалнинг 58,8 фоизини ташкил этди, бу охириги ўн йилликдаги энг паст кўрсаткичдир. Сўнгги ўн йил ичида пойабзал экспортининг географик келиб чиқишининг умумий схемаси ўзгармади: Осиё экспорт қилинадиган ҳар 5 жуфт пойабзалдан 4 тадан кўпроғининг келиб чиқиши ҳисобланади. Европа анча орқада, гарчи у ўз улушини асосан Осиё ҳисобига 3 фоиз пунктга ошира олди.


Энг кўп пойабзал ишлаб чиқарувчи мамлакатлар

| №  | Давлатлар номлари | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|----|-------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Хитой             | 13100   | 13523   | 13478   | 13475   | 11118   | 12016   |
| 2. | Ҳиндистон         | 2257    | 2409    | 2579    | 2600    | 2080    | 2600    |
| 3. | Вьетнам           | 1185    | 1100    | 1300    | 1400    | 1320    | 1360    |
| 4. | Индонезия         | 1110    | 1083    | 1271    | 1228    | 1036    | 1083    |
| 5. | Бразилия          | 954     | 909     | 944     | 908     | 764     | 706     |
| 6. | Туркия            | 500     | 400     | 447     | 535     | 487     | 547     |
| 7. | Покистон          | 399     | 398     | 411     | 481     | 483     | 513     |
| 8. | Бангладеш         | 378     | 428     | 461     | 407     | 423     | 401     |
| 9. | Мексика           | 254     | 259     | 268     | 251     | 165     | 191     |

Манба: <https://www.statista.com> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хитой жуда катта фарқ билан пойабзал экспорти бўйича шубҳасиз етакчи бўлиб қолмоқда, аммо ўн йилдан кўпроқ вақт давомида у бошқа Осиё мамлакатларига бозор улушини аста-секин йўқотмоқда. Сўнгги ўн

йилда пойабзал саноатидаги энг катта муваффақият тарихи бўлган Вьетнам бугунги кунда жаҳон экспортининг тахминан 10 фоизини ташкил қилади (3-расм).



3-расм. 2021 йилда энг йирик пойабзал экспортёр давлатлари

Манба: <https://www.indexbox.io> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Енгил саноатнинг глобал тенденцияларини ўрганишдаги тадқиқотларимиз натижасида саноатнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

- сўнгги йигирма йил ичида ишлаб чиқариш маркази Осиё ва Жанубий Америкага кўчиб, аста-секин АҚШ ва Ғарбий Европани сиқиб чиқармоқда;

- кўпгина мамлакатларда енгил саноатнинг ривожланиши дастлабки босқичда фаол давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ;

- енгил саноат анъанавий равишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш деб аталади, аммо яқинда у кўпроқ билим талаб қиладди.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, енгил саноатнинг асосий тармоқлари ҳозирги вақтда янги саноатлашган мамлакатларда ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда айниқса тез ривожланмоқда, бу кўп

жиҳатдан уларнинг хомашё ва арзон ишчи кучи билан юқори таъминланиши билан боғлиқ. Бир қатор анъанавий оммавий, техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган саноат тармоқларида (арзон матолар, пойабзал, кийим-кечак ва бошқа турдаги халқ истеъмол товарлари) ўз мавқеини йўқотган саноатлашган мамлакатлар, айниқса, замонавий, юқори технология ва меҳнат малакасига йўналтирилган қимматбаҳо маҳсулотлар, чекланган истеъмолчилар доираси (гилам, мўйна ишлаб чиқариш)га эга юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи ўринни сақлаб қолмоқда.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра енгил саноат соҳасини жадал ривожланиш қуйидаги таклиф ва тасияларни ишлаб чиқдик:

- енгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқо-

ри қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш;

- енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;

- хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни янада жадаллаштириш;

- тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларининг онлайн маълумотлар базасини яратиш;

- пахта толасига талаб ва таклиф асосида шакллантириладиган ҳамда халқаро бозордаги ҳақиқий нархларга мос келадиган нарх белгилашнинг янги механизмини жорий этиш;

- тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоғига инновацияларни жорий этиш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш;

- иккиламчи хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хулоса қилиб айтсак, дунёнинг аксарият мамлакатларида енгил саноатга мамлакат саноат ривожланиши учун замин ярата оладиган саноат сифатида катта эътибор берилмоқда. Covid-19 пандемияси саноатга сезиларли таъсир кўрсатди ва келгуси йиллар учун ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди. Шундай қилиб, иқтисодиётдаги инқироз ҳодисалари табиий ресурслар нархининг ошиши, ўртача нархларнинг пасайиши ва қимматбаҳо ҳашаматли брендлар зарарига ўрта нарх сегментининг устун ўсиши туфайли ишлаб чиқаришда аралаш тенденциянинг устунлигига олиб келди.

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь. 3-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 сентябрь 2019 йилдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4453-сон қарори.
3. Абдугаффаров А., Мардиев Н., Сиддиқов З. Молиявий жараёнларни баҳолаш моделлари ва амалий масалаларни ёчиш усуллари. Монография. – Т.: “Fan ziyosi” нашриёти, 2021.- 132 б.
4. Щиборщ К.В. Интегрированная система управления промышленных предприятий России. // Менеджмент в России и за рубежом. - №4. - 2000.
5. Жиемуратов Т.П. Корхона бошқарув жараёнлари ахборот таъминоти-ни ташкил этишни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Т., 2010. -156
6. Ленько О.В. Оценка значимости информационно- коммуникационных технологий для управления промышленным предприятием. // Проблемы региональной экономики. 2005. № 3-4.
7. Дедов О.А. Управление экономической адаптацией промышленного предприятия. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2002.
8. Афонин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К0», 2002. - 380 с.
9. Дрешер Ю.Н. Организация информационного производства: учебное пособие. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2005. – 248 с.
10. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа: Учебник. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 1999. - 416 с.
11. Богазко А.Л. Системы управления развитием предприятия СУРП. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 240 с.
12. Stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
13. <https://www.indexbox.io/store/world-woven-fabrics-of-cotton-market-report-analysis-and-forecast-to-2020/>